



“YOSH TADQIQOTCHI” ilmiy elektron jurnali

Vebsayt: <http://2ndsun.uz/index.php/yt>

САРИҚ ЗАНГ КАСАЛЛИГИНИ БУҒДОЙ ДОН СИФАТИГА ТАЪСИРИ

Орипов Дониёр Махаммаджонович

Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти. Таянч докторант.

ИНФО:

Қабул қилинди: 09.02.2022

Қўриб чиқилди: 11.02.2022

Нашр қилинди: 12.2.2022

Калит сўзлар: сариқ занг, кимёвий кураш, фунгицид, суспензия, сифат кўрсаткичлари, тажриба, тадқиқот, хлорофил, объект, сунъий касаллантириш, замбуруғ, ҳосилдорлик

АННОТАЦИЯ

Суғориладиган дала майдонларида кузги юмшоқ буғдойнинг дон сифатига таъсир қилувчи энг муҳим омиллар ноқулай иқлим шароити, касаллик ва зараркунандаларнинг салбий таъсири, нотўғри агротехник тадбирлар, ҳамда унга қарши қўлланилаётган кимёвий препаратлардан самарасиз фойдаланиш оқибатида ўзгариб бориши, ҳамда буғдой донини сифатини яхшиланишида фунгицид ва суспензияни аҳамияти ҳақида фикр юритилган.

Copyright © 2021. [Creative Commons Attribution 4.0 International License](https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/)

Кириш. Дунёда ҳозирги кунда ғалла етиштирувчи барча мамлакатларда буғдойнинг сариқ занг касаллигининг тарқалиши ва ривожланиши кузатилмоқда. Бу эса касалликларга кимёвий кураш ишларини олиб бориш орқали, кимёвий препаратларнинг самарасиз қўлланиши ҳамда касалликнинг ривожланишида давом этиши билан кузги бошоқли дон экинларига катта зарар келтирмоқда. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, кузги ғалла майдонларида учрайдиган сариқ занг касаллигининг об-ҳаво шароитларига боғлиқ ҳолда тарқалиши ва ривожланишини ҳисобга олиш, уларга қарши

курашда янги фунгицидларни қулай вақтда самарали қўллаш ва шу билан биргаликда янги усулларни жорий этиш бугунги куннинг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Буғдой донининг сифатини баҳолашда энг муҳим кўрсаткичлардан бу оксил клейковина, шишасимонлик ва намлиги асосий кўрсаткичлари ҳисобланади. Ушбу сифат кўрсаткичларига занг касалликларининг таъсири ҳақида олимларимиз таъкидлаб ўтишган. Жумладан, А.Х.Мейлиев., А.Орипов., Ш.Амановлар (2016) маълумотларида аниқланишича сариқ занг касаллигини келтириб чиқарувчи ва кўзгатувчиси *Puccinia striiformis f sp tritici* замбуруғи ғалла майдонларида ўсимликнинг тирик тўқима ёки тирик хужайрасида яшаб, ушбу патоген маданий ғалла экинлари ва ёввойи ғалладошларнинг яшил тўқимасини касаллантириб буғдой ҳосилдорлиги ва дон сифат кўрсаткичларига жиддий зарар етказди [1].

И.А.Шаганов (2009) олиб борилган тадқиқотларида буғдойнинг сариқ ва қўнғир занг касаллиги ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатишдан ташқари дон сифатининг бузилишига оксил миқдорининг камайишига олиб келади. Ҳарорат кундузи +15-25 °С ва кечаси +15 °С да шудринг, шабнам, ёғингарчилик таъсирида ривожланиб шамол ёрдамида ғалла майдонларига тарқалиб жиддий таъсир кўрсатади [2].

А.А.Слободчиковнинг (2010) таъкидлашича ўсимликларга меъёридан ортиқ кимёвий воситаларидан нотўғри фойдаланиш буғдой дони таркибидаги оксил ҳамда клейковина каби муҳим сифат кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиши тадқиқотларида аниқланган [3].

С.А.Вострокнутонинг (2012) тадқиқотларида аниқланишича хар-ҳил вариантларда минерал ўғитларидан NPK дан 5,0 т/га, ва фунгицид + карбамит билан қўшимча равишда ўсимликнинг баргидан озиклантирилганда оксил ҳамда клейковина миқдори 81,5% дан 14,9% га ошди натижада қўллаш муддатига қараб ҳосилнинг ўсиши 10,7 дан 16,7% га етди. Энг яхши вариант минерал ўғитлар, карбамид, фунгицидларни биргаликда қўлланилган вариант ҳисобланиб, доннинг тўлиқлиги 777 г/л ни ташкил этиб назорат вариантыдан 35 г/л га юқори эканлиги олиб борилган тадқиқотларда маълум бўлган [4].

Тадқиқот объекти. Тажрибада Тошкент вилоятининг Қибрай туманида жойлашган “Ўсимликларни генетик ресурслари илмий тадқиқот институти” га қарашли буғдой касалликлари билан ишловчи сунъий касаллантириш майдони танлаб олинди. Бу ерда кузги юмшоқ буғдойнинг “Гром” навида сариқ занг касаллигига қарши кимёвий курашда назорат, (этолон) сифатида Дуазол, 40% к.э.к 0,25 л/га, Би-Каназол 400 г/л 0,2-0,3 л/га, Миракле 25% с.п.0,75 кг/га, Раума 490 к.э.1,25 л/га, Алта Супер 40% 0,3 л/га, Алтус Дуо 32,5% 0,3 л/га фунгицидлари ҳамда ўсимликнинг баргидан

кўшимча озиклантиришда ИФО- ПЗН сус 2,0 л/га суспензиясидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотларни олиб боришда Тошкент вилоятининг Қибрай туманида жойлашган “Ўсимликларни генетик ресурслари илмий тадқиқот институти” га қарашли буғдой касалликлари билан ишловчи сунъий касаллантириш майдонида илмий изланишлар олиб борилди. Унга кўра, объект сифатида танлаб олинган кузги юмшоқ буғдойнинг “Гром” навида сариқ занг касаллигига қарши суспензия ва кимёвий препаратларни биргаликда қўлаганимизда сифат кўрсаткичларига таъсири ўрганилди (1-жадвал).

Илмий тадқиқот натижасидан олинган намуналардан лаборатория шароитида сифат таҳлили анализ қилинганда назорат вариантыда оксил миқдори 12,4% ни, дон клейковинаси 22,2%, дон шишасимонлиги 50% ни, доннинг намлиги 7,4% бўлганлиги аниқланди.

1-жадвал. Сарик занг касаллигини дон сифат кўрсаткичларига таъсири (Тошкент Қибрай ЎГРИТИ сунъий касаллантириш майдони (2020-2021 йй:))

Фунгицид номи	Таркиби	Оксил миқдори, %	Дон клейковинаси, %	Дон шишасимонлиги, %	Дон намлиги, %
Назорат (Дориаланмаган)	-	12,4	22,2	50	7,4
Дуазол, 40% к.э.к) 0,25 л/га, (эталон) + ИФО ПЗН сус 2,0 л/га	Пропроназол 200 г/л + Тебуконазол 200 г/л + N-3%, P ₂ O ₅ 25%, Zn-5%, рН 1-2%	14,7	26,9	67	7,7
Би-Каназол 400 г/л 0,2-0,3 л/га + ИФО ПЗН сус 2,0 л/га	Пропроназол 200 г/л + Тебуконазол 200 г/л + N-3%, P ₂ O ₅ 25%, Zn-5%, рН 1-2%	15,8	25,9	82,4	7,8
Миракле 25% с.п.0,75 кг/га.+ ИФО ПЗН сус 2,0 л/га	Тебуконазол 250 г/л + N-3%, P ₂ O ₅ 25%, Zn-5%, рН 1-2%.	18,7	29,7	87,8	8,3
Раума 490 к.э.1,25 л/га ИФО ПЗН сус 2,0 л/га	Профлороз 400 г/л + Пропроназол 90 г/л + N-3%, P ₂ O ₅ 25%, Zn-5%, рН 1-2%	17,9	29,4	88,4	8,7
Алта Супер 40% 0,3 л/га + ИФО ПЗН сус 2,0 л/га	Пропроназол 200 г/л + Тебуконазоле 200 г/л + N-3%, P ₂ O ₅ 25%, Zn-5%, рН 1-2%	17,1	26,7	67,7	7,2
Алтус Дуо 32,5% 0,3-0,4 л/га + ИФО ПЗН сус 2,0 л/га	Азохйстробин 200 г/л + Дифеноконазоле + N-3%, P ₂ O ₅ 25%, Zn-5%, рН 1-2%	16,4	25,6	77,4	7,6

Шундан сўнг препаратлардан Дуазол, 40% к.э.к 0,25 л/га (эталон) + ИФО ПЗН суспензиясини 2,0 л/га препаратлари билан ишлов ўтказилган вариантыда назорат вариантыга нисбатан оксил миқдори ўртача 14,7% ни, дон клейковинаси аниқланганда ўртача 26,9% ни, дон шишасимонлиги 67%, доннинг намлиги 7,7% бўлганлиги маълум бўлди.

Препаратлардан Би-Каназол 400 г/л 0,2-0,3 л/га + ИФО ПЗН сус 2,0 л/га билан ишлов ўтказганимизда эса бу кўрсаткич назорат (ишловсиз) вариантыга нисбатан препарати билан ишлов берилган вариантыда оксил миқдори 15,8% ни, дон клейковинаси 25,9%, дон шишасимонлиги 82,4%, доннинг намлиги 7,8% бўлганлиги аниқланди.

Касалликка қарши Миракле 25% с.п.0,75 кг/га.+ ИФО ПЗН сус 2,0 л/га сарф меъёрида қўлланилган вариантыда назорат (ишловсиз) вариантыга нисбатан препарати билан ишлов берганимизда оксил миқдори 18,7%, дон клейковинаси 29,7% ни, дон шишасимонлиги 87,8%, доннинг намлиги 8,3% бўлганлиги маълум бўлди.

Кимёвий курашда Раума 490 к.э.1,25 л/га ИФО ПЗН сус 2,0 л/га препаратлари билан ишлов ўтказилганда назорат (ишловсиз) вариантыга нисбатан ўртача оксил миқдори 17,9% дон клейковинаси 29,4%, дон шишасимонлиги 88,4%, доннинг намлиги 8,7% бўлганлиги аниқланди.

Янги препаратлардан Алта Супер 40% 0,3 л/га +ИФО ПЗН сус 2,0 л/га ишлов ўтказганимизда назорат (ишловсиз) вариантыга нисбатан юқори натижани яни назорат вариантыга нисбатан ўртача оксил миқдори 17,1%, дон клейковинаси 26,7%, дон шишасимонлиги 67,7%, доннинг намлиги 7,2% бўлганлиги маълум бўлди.

Тажрибаларда Алтус Дуо 32,5% 0,3-0,4 л/га + ИФО ПЗН сус 2,0 л/га биргаликда қўллаганда назорат (ишловсиз) вариантыга нисбатан препарати билан ишлов берилганда ўртача оксил миқдори 16,4%, дон клейковинаси 25,6%, дон шишасимонлиги 77,4%, ҳамда доннинг намлиги аниқланганда 7,6% ни ташкил қилганлиги маълум бўлди.

Демак, хулоса қилиб айтганда тажриба натижаларидан кўриниб турибдики, қўлланилган Миракле 25% с.п.0,75 кг/га.+ ИФО ПЗН сус 2,0 л/га, Раума 490 к.э.1,25 л/га ИФО ПЗН сус 2,0 л/га, Алта Супер 40% 0,3 л/га +ИФО ПЗН сус 2,0 л/га, Алтус Дуо 32,5% 0,3-0,4 л/га + ИФО ПЗН сус 2,0 л/га препаратлари тажрибадаги бошқа вариантларга нисбатан самарали бўлиб дон сифат кўрсаткичларига сезиларли даражада таъсир кўрсатганлиги маълум бўлди. Тадқиқотларда энг юқори кўрсаткични Миракле 25% с.п.0,75 кг/га.+ ИФО ПЗН сус 2,0 л/га, Раума 490 к.э.1,25 л/га ИФО ПЗН сус 2,0 л/га препаратларида номоён бўлганлиги аниқланди. Шунинг учун ғалла майдонларида учрайдиган сариқ занг касаллигига қарши курашда қўлланилган ишлаб чиқаришда ғалла

майдонларида учрайдиган сариқ занг касаллигига қарши ушбу кимёвий препаратларни қўллаш юқори дон сифатли ҳосил олишни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Мейлиев.А.Х., Орипов.А., Аманов.Ш. Буғдойнинг сариқ занг касаллигига қарши кураш чоралари. //Агро илм – 2016. 4 [42]-СОН. 58-59 б.
2. Шаганов.И.А. Желтая ржавчина. //Практические рекомендации по освоению интенсивной технологии возделывания озимых зерновых культур Минск «Равноденствие» 2009. С – 110-111.
3. Слободчиков.А.А. //Фитосанитарная ситуация в посевах сортов яровой пшеницы и роль средств защиты в стабилизации продуктивности и качества зерна. Автореферат. – Новосибирск 2010. С – 17.
4. Вострокнутов.С.А. Урожайность и качество озимой пшеницы при использовании средств химизации на черноземе выщелоченном лесостепи Среднего Поволжья дис. Пензенская государственная сельскохозяйственная академия, 2012. С 25.